

## **НЎХАТ УРИҒЛАРИНИ СУВ ШИМИШИННИГ АҲАМИЯТИ THE IMPORTANCE OF WATERING PEAS SEEDS.**

доцент **Мустанов С.Б.**

E-mail: mustanovsobir1958@gmail.com

ТДАУ Самарқанд филиали.

**Мустанова З.С.**

Самақанд вилоят экология ва атроф мухитни муҳофаза бошқармаси.

**Ҳусанбоев А.Б.**

ТДАУ Самарқанд филиали.

**Annotation.** In recent years, at a time when the climate is warming, temperatures are rising sharply, desertification of arid areas is observed, the cultivation of pea crops on irrigated lands is bearing fruit. Water is needed for the seeds to germinate, and how much or how little water they absorb is very important.

**Keywords:** swelling force, pulses, seed swelling, cracking of the seed coat, plants, soil particles, emergence on the soil surface.

**Аннатация.** Кейинги йилларда иқлимининг исиб бориши, ҳароратнинг кескин кўтарилиши, лалми ҳудудларни чўллашиши кузатилаётган бир даврда, нўхат экинини сугорилаётган ерларда етиштириш самара бермоқда. Уруғларнинг униб чиқиши учун сув керак бўлиб, сувни қанчалик кўп ёки кам шимиб олиши жуда муҳимдир.

**Калит сўзлар:** шимиш кучи, дуккаклар, уруғларнинг бўртиши, уруғ пўстини ёриши, ўсимликлар, тупроқ заррачалари, тупроқ юзасига чиқиши.

**Кириш.** Нўхат экини қурғоқчиликка чидамли дуккакли- дон экини бўлганлиги сабабли, уни лалми ва шартли сугориладиган ерларда ҳам экиб, ундан юқори ҳосил олиш мумлин.

Сўнги йилларда иқлимин глобал ўзгариши, ҳароратни кескин кўтарилиши, лалми ҳудудларни чўлланиши кузатилаётган бир давирда, аҳолини дон ва дуккакли –дон экинларига булган талабини қондириш мақсадида нўхат экинини сугориладиган ерлада етиштириш самара бермоқда.

Уруғларнинг униб чиқиши учун авваломбор сув керак. Уруғлар сувни ўзига шимиб ола бошлайди. Уруғларни зўр куч билан бўртиши уларнинг уруғ пўстини ёришга олиб келиши эса тупроқ заррачаларини суриб, тупроқ юзасига чиқишга имкон беради.

Уруғлар униб чиқиши уруғда тўпланган озиқ моддалар сувли мухитда бўлади. Маълумки, ҳар бир экин турининг қуруқ уруғлари таркибида брғланган сувлар бўлади, жумладан нўхатда ҳам. Лекин бу сув моддалар алмашинуви жараёнида иштирок этмайди. Натижада уруғ униб чиқиши олдидан уз вазнига нисбатан маълум бир микдорда сувни шимиб олиши шарт.

**Тадқиқотлар объекти ва услублари.** Сўнгги йилларда нўхат экини сугориладиган майдонларда ҳам экилиб ҳосил олинаётганлигини ҳисобга олиб, сугориладиган майдонларда етиштирилган нўхат навларининг уриғин сувни шимиш жадаллигини лаборатория шароитида ўргандик. Тажриба 22-25<sup>0</sup> С ҳароратда ўтказилди. Тажриба обьекти сифатида хўраки нўхатнинг Лаззат, Узбекистанская-32, Юлдуз навлари ва уимд нав намунаси ҳамда хашаки нўхатнинг К – 295 ва К – 96 нав намуналари илк бор ўрганилади.

Биз бу тажрибамиздан нўхат навлари уруғларининг 22 – 25<sup>0</sup>С ҳароратқанча микдорда сув шимиб олиш қобилиятини аниклашда ҳар бир соатдақузатиб бордик. Тажриба 3 тақрорийликда ўтказилди. Бу эса уруғларининг униб чиқиши учун зарур бўлган сув шимиш микдорини аниклашга имкон бердию

Жадвада келтирилган маълумотлардан кқриниб турибдики, нқхат навлари уруғи сувни маълум бир вактда ҳар хил шимиб олиб, дастлабки биринчи соатда кўп микдорда сувни ўзлаштиради, яни бунда, хўраки навлар 33,2 – 42,3 хашаки навлар 8,7 – 12,5 % ҳамда иккинчи соатда хўраки навлар 14,7 – 17,3% хашаки навлар 10,9 – 13,4% микдоргача сувни шимиш қобилиятига эга. Тажрибани қолган вакитларда яни, вақит ўтиши билан кейинги соатларда ўзлаштирилган сув микдори учинчи соатда хўраки навлар 13,4 – 16,0%, хашаки навлар 8,6 – 9,9 %, тўртинчи соатда хўраки навлар 12,0 – 12,9% хашаки навлар 7,5 – 9,0 % микдорда сувни ўзлаштирган бўлса, кейинги соатларда сувни ўзлапшириши пасайиб бориши кузатилди ва ўн биринчи соатга келиб сувни ўзлаштириш хўраки навларда нолга тенглашган бўлса, хашакинўхат навлари сувни ўзлаштириши 19 соат давом этди ва ўнинчи соатлардан сўнг соатлар орасида сувни ўзлаштириш даражасидафарқ камайиб борганилиги намоён бўлди.

Сувни ўзлаштириш кўрсаткичи бўйича хўраки навлар орасида Лаззат нави ўзининг энг тез сувни ўзлаштириши бўйича юқори уўрсаткичга эришди, яни, ўнинчи соатга бориб 108,3% сувни ўзлаштирган бўлса, Ўзбекистонская – 32 нави ўнинчи соатда 106,4%, Юлдуз нави ўн икки соатда 106,0% ва Умид нави ўн икки соатда 104, сувни ўзлаштиради. Хашаки навлар хўраки навларга нисбатан сувни ўзлаштириш суръати жуда паст эканлиги намоян бўлди. Хашаки нўхатни К-295 нав намунаси ўн тўқизинчи соатга бориб 99,7 % сувни ўзлаштирган бўлса К-296 нав намунаси эса 100,5% сувни ўзлаштириши намоян бўлди.

Хулоса қилиб, хўраки нўхатнинг уруғ пўсти юпқа ва таркибида оқсил микдори кўп бўлганлиги учун ўз вазнига нисбатан 104,4 – 108,7% гачф сувни шимиб олди. Хашаки нўхат намуналари уруғида аксинча, уруғ пусти қалин ва оқсил микдори кам, шу сабабли сувни шимиш жадаллиги ҳам навларидан паст бўлиши тажрибаларда кузатилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Балашев Н.Н. Мировые тенденции производства потребления нута. Зерновые культуры, 1003 №8 58 стр.
2. Бобомуродов З.С., Хамдамов И.Х., Савкина Л.В. нут комовая культура. Сельское хозяйство Узбекистана, 1996 №6, 11 стр.
3. Бобохужаев И., Узаков П. Тупрокшунослик. Тошкент. 1995, Мехнат. 401-405 б.
4. Хамдамов И.Х., Мустанов С.Б., Сугориладиган ерларда нухат етиштиришнинг илимий асослари.
5. Доспехов Б.А. Практику по земледелию. Москва Колос 1977, 46 стр.
6. Методика Поливых ивегетационных опытов хлопчатником в условиях орошения.

7. Милов В.И. Содержание и качество белка в семенах некоторых сортов нута.  
Селекция и семеноидство. 1947. №3. 3 стр.